

38

(405)

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Sentrabr

D.	5	12	19	26	
S.	6	13	20	27	
Ch.	7	14	21	28	
P.	1	8	15	22	29
J.	2	9	16	23	30
Sh.	3	10	27	24	
Y.	4	11	18	25	

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

BRIFING



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

15 сентябр кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Андижон воқеалари юзасидан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари боришига оид маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.

Республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Анвар Набиев журналистларга Андижондаги терактларда фаол иштирок этган 15 аъзоси устидан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари тугаланиб, жиноят иши материаллари кўриб чиқиш учун Олий судга топширилганлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, журналистларга 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида бўлиб ўтган террорчилик ҳаракатлари юзасидан қўзғатилган жиноий иш материаллари бўйича бошқа маълумотлар ҳам тақдим этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, ушбу террорчилик ҳаракатлари ташқи бузғунчи кучлар томонидан Ўзбекистон сиёсатига, унинг миллий манфаатларига қарши режалаштирилган ва ташкил этилган хуруж эканлиги, конституциявий тўзумни издан чиқариб, ҳаёлий халифалик давлати тузишга интилиш бўлгани бугун кўпчиликка маълум.

Баёнотда Андижон воқеалари ташқи кучлар томонидан олдидан пухта режалаштирилгани ва бу тайёргарлик 2004 йилнинг августидан бошлангани таъкидланди. Террорчилик гуруҳларини ташкил этиш, уларни зарур ўқ-дори ва қурол-яроғ билан таъминлаш улар режасининг асосини ташкил этган. Журналистларга тақдим этилган материаллардан маълум бўлдики, террористлар ўз мақсадларини амалга ошириш мақсадида Қирғизистоннинг жанубий вилоятларида пухта тайёргарликдан ўтишган. Уша ерда 70 нафар диний экстремистга хорижий инструкторлар кўпоровутилиш-террорчилик усулларини ўргатишган.

Терговда аниқланишича, хориждаги манфаатдор кучлар томонидан теракта тайёргарлик ва уни ташкил этиш мақсадида 300 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилган. Теракта қатл эса Қирғизистонда бу пулларга қурол-яроғ ва ўқ-дорилар сотиб олинди, турли айланма йўллар билан Ўзбекистон ҳудудига олиб келинган. Шунингдек, террористларнинг ўзаро алоқада бўлиши, зарур пайтда тез

йигилишини таъминлаш мақсадида 50 дан ортқ қўл телефонлари, 10 та енгил машина ва бошқа зарур техник жиҳозлар сотиб олинган. Хукуматни эгаллаш мақсадида Андижонда 9 кишидан 22 кишигача бўлган 20 та жиноий гуруҳ ташкил этилган. Бу гуруҳларнинг бошлиқлари эгалланиши лозим бўлган объектлар жойлашувини, қуроллардан фойдаланиш, ўқ-дори ва портловчи мосламаларни тайёрлашни пухта ўрганишган.

Андижон воқеалари «сценарийчилари» мазкур ҳаракатларга «тинч намоийишчилар қишчилари» манзарасини беришни ва уларга қарши ҳукумат кучлари гўёки жанговар ҳаракатлар олиб бораётгандек қилиб кўрсатиш мақсадида, илжори борича кўчаларга кўпроқ одам йиғишга, безорилик элементларини ҳосил қилишга, машина ва биноларга ўт қўйиб, халқни саросимага солишга ҳаракат қилишган.

Анвар Набиев алоҳида таъкидлаганидек, террорчилик хуружи билан бир пайтда Ўзбекистонга қарши ахборот уруши ҳам тайёрланган. Шу мақсадда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор хорижий ташкилотлар, ОАВ ва чет эл хайрия жамиятларининг олдидан хабардор қилинган вакиллари Андижон воқеаларидан аввалроқ, яъни 9, 10 май кунлари, кўпчилиги эса май ойининг бошларидаёқ Андижонга чегарадош ҳудудларда тўплана бошлаган.

Шунингдек, журналистлар эътиборига ўз вазифасига масъулият билан қарамаган, ишониб топширилган биноларни кўриқлашда суқташликка йўл қўйганлиги боис 25 нафар ички ишлар ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан жиноят иши қўзғатилгани айтиб ўтилди.

Баёнотда Андижон воқеаларида ҳалок бўлганлар сони ҳам қайд этилди. Террорчилик ҳаракатлари натижасида жами 187 киши ҳалок бўлган. Уларнинг 60 нафари оддий фуқаролар, 31 нафари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларидир. Террорчиларга қарши кўрилган тадбирлар давомида 94 террорчи йўқ қилинган.

Учрашувда 106 нафар айбланувчига нисбатан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари ҳам якунига етаётгани айтиб ўтилди.

Ўз мухбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY SUDIDA

СУД МАЖЛИСИ БОШЛАНДИ

20 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий судида 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятлар юзасидан қўзғатилган жиноий ишнинг дастлабки терговда якунланган қисмига биноан 15 нафар айбланувчига нисбатан тергов якунларини кўриб чиқиш бўйича очик суд мажлиси бошланди.

Мазкур жиноий иш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Жамолов раислигидаги Олий суд судьялари Воҳид Назаров, Йўлчибой Турсунбоев иборат Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича суд коллегияси томонидан кўриб чиқилмоқда.

Иш бўйича раислик қилувчи Б.Жамолов суд мажлисини очди ва судланувчилар Собиров Мўйдин Имонкулович, Ҳамидов Фарҳод Умарович, Турғунов Аваз Тўлқинович, Ҳожиёв Таваккалбек Нўмонжонович, Ҳакимов Алишер Олимжонович, Нодиров Фулом Баҳодирович, Юсупов Азизбек Умарович, Иброҳимов Абдувоис Эргашевич, Ортиқов Мухаммадшокир Содикжонович, Ҳожиёв Илҳом Нўмонжонович, Эргашев Валиқон Йўлдошбоевич, Имонкулов Лоҳинбек Абдумўминжонович, Бурхонов Жаҳонгир Жўраонович, Туропов Хусан Ҳакимович, Ғозиев Абдулҳафиз Сафимовичга нисбатан жиноий иш эшитилаётганлигини эълон қилди. Улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «а», «в», «г», «д», «е», «ж», «и», «л», «м», «о», «п», «р» бандлари, 155-моддасининг 3-қисми «а», «б» бандлари ва бошқа моддалари бўйича айбланмоқда.

Суд томонидан суд жараёни иштирокчиларининг ҳозир бўлгани текширилди, суд таркиби, томонлар эълон қилинди, рад қилиш ҳуқуқи тушунтирилди, судланувчиларнинг шахси ва уларга айблов ҳулосаларининг нусхалари берилган вақт аниқланди, иш бўйича судланувчилар ва томонларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилди.

Суд мажлисининг тайёргарлик қисми тавсияномалар бор-йўклига тўғрисидаги масалани аниқлаш билан якунланди. Сўнгра раис томонидан суд тергов бошланганлиги эълон қилинди.

Давлат айбловчилари айблов ҳулосасини ўқиб эшиттирди.

Далилларни текшириш тартиби белгиланди. Бу жараён давомида судланувчилар, жабрланганлар, даъвогар фуқаролар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланади, шунингдек, ушбу иш бўйича тўплаган бошқа далиллар текширилади.

Суд жараёнини 100 га яқин хорижий ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, дипломатик миқсислар ва халқаро ташкилотлар вакиллари кузатиб бормоқда.

Суд жараёни давом этмоқда. Олий суд матбуот хизматидан маълум қилинишича, суднинг кейинги мажлиси 21 сентябрь соат 10 да бўлади.

(ЎзА)

Моҳият

Халққа ва
Ватанга қилинган
хиёнат қирқ
йилдан кейин ҳам
фош бўлади,
чунки хиёнатчи халқ
қалбига, ватан
душмани Ватан
тупроғига яширина
олмайди.
«Саодатнома»дан

LUQMA

Обуна мавсуми бошланиши олдидан «Ўзбекистон почтаси» ОТАЖ 2006 йили обуна ва чакана савдо орқали даврий нашрларни тарқатиш учун тахририятлар билан шартнома тузиш тартибини такомиллаштириш мақсадида буйруқ чиқарди. Бу йўл билан жамият раҳбарияти антиқа «такомиллаштириш»ни жорий қилиши. Яъни, мазкур буйруқ билан ОТАЖ ўзининг вилоятлардаги филиалларига республика миқёсида чоп этиладиган газета ва журналларни тарқатиш ҳақида уларнинг тахририятлари билан шартнома тузишни таққиллаб қўйди.

«Ўзбекистон почтаси»нинг нафақат қўйи тизими, балки жамиятта умуман алоқаси бўлмаган тахририятларнинг ҳам ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи бу буйруқдан ҳар қан-

дай киши ҳайратга тушса, жамият томонидан ишлаб чиқилган «Обуна каталоги»даги нархларни кўриб, ёқа ушлайди.

Бошқа тахририятларни қўя турайлиги, буни «Qonun himoyasida» журна-

АНТИҚА «ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»

ли ва «Huquq» газетаси мисолида олиб кўрайлик. Бирлашган тахририятимиз журнал учун бир йиллик обуна баҳосини 24.600 сўм, газета учун эса 17.340 сўм қилиб белгиланган ҳолда «Ўзбекистон почтаси» ОТАЖ чиқарган каталогда журнал нархи 38.964 сўм, газетаники эса 25.236 сўм қилиб кўрсатилган. Мана, нима учун тахририятлар билан шартнома тузиш тар-

тиби «такомиллаштирилган»!

Энг ачинарлиси, «Ўзбекистон почтаси» ОТАЖ юқориди қайд этилган биргина буйруқи билан нафақат ўзининг филиаллари ва тахририятларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекла-

зиришган. Яъни, муштариёлар учун каталог баҳоси ва ундан анча арзон бўлган тахририят баҳоси маъжуд эди. Энди-чи? Энди муштари хоҳлайдими-йўқми, 2006 йил учун газета ва журналларга каталогда кўрсатилган қиммат нархларда обуна бўлишга мажбур!

Хўш, «Ўзбекистон почтаси» ОТАЖдаги раҳбарларнинг ўзи хон, қўланкиси майдонми? Наҳотки, улар ўз манфаати йўлида хоҳлаган ишларини қилиши мумкин? ОТАЖ раҳбари тахририятларни, минглаб муштариёларни ҳурмат қилмаслиги, уларнинг истақларини менсимаслиги мумкин, лекин амалдаги қонунларни ҳурмат қилмаслига ҳаққи йўқлигини унутмаслиги лозим.

Абдуҳошим МАДАТОВ,
«Huquq» мухбири

СВОЖҚК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Наманган шаҳридаги «Хамкор» ХФ раҳбари Х.Қамолов «ХМКК-503» қурилиш корхонаси раҳбари О.Ортиқов ва бош ҳисобчиси Р.Абдуқодиоровлар билан «Наманган вилоят ягона буюртмачи инжинеринг компанияси» раҳбари Н.Набиевдан 9,7 млн. сўмлик шахсий ҳақини олиш мақсадида Наманган шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»да қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун пудратчи сифатида қалбаки шартнома тузиб, баъндан олинган 8,3 млн. ссуда пулларини ўзлаштирилганлар.

Фарғона шаҳрида яшовчи И.Тешабоев харидорга 1500 АҚШ долларини ноқонуний равишда 1 млн. 747 минг сўмга сотаётган вақтида ушланган. Унинг ёнidan яна 14.475 АҚШ доллар ва 6000 сўм далилий ашё сифатида олинган.

Юнусобод туманидаги АТИБ «Ипотека-банк» Юнусобод филиали жамғарма касса бўлими катта назоратчиси Г.Асомиддинова ўз хизмат хонасида фуқаро Н.Ахбутаевдан 1000 АҚШ долларини ноқонуний равишда 1 млн. 144 минг сўмга сотиб олаётган вақтда ушланган.

Ишбилармонлиқни ҳавас қилган А.Қаюмов, А.Қосимов ва А.Қаюмовлар Яксарой тумани Абдулла Авлоний кўчасида текис цехини ишга туширишиб, яхшигина даромад олишгаётган. Афсуски уларнинг тадбиркорликларига чек қўйилган бўлди. Негаки улар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритиш қонунга хилоф эканлигини «ёлла-ри»дан чиқариб қўйишган экан. «Тадбиркорлар»дан 1 млн. 485 минг сўмлик тайёр маҳсулотлар, 6 донга текис машинкалари, турли матолар ва этикеткалар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Богоғ туманидаги «Юлдузча» болалар богчаси мудири С.Қурбонова богчада ишламайдиган қизлари, қариндошлари ва ишдан бўшаб кетган фуқаролар номига иш ҳақи ёзиб, 385.3000 сўмни ўзлаштирилган.

Наманган шаҳрида Х.Мухтаров, М.Мамолиев, Б.Турғунов ва М.Юлдашевлар ноқонуний 2 млн. 245 минг сўмлик 7314 қути, шундан акциз маркалари бўлмаган 2 млн. 214 минг 800 сўмлик 7208 қути тамаки маҳсулотларини сотиш мақсадида Х.Мухтаровнинг уйда сақлашгаётганлиги аниқланган.

Оқдарё туманида Ж.Миров бошқарувдаги «КамАЗ» автомашинаси текширилганда, унинг юқонасида стандартга жавоб бермайдиган 19 млн. 847,3 минг сўмлик 8987 шиша «Пшеничана» ва 7483 шиша «Экстра» ароғи ва 2392 шиша «Александрия» коньяки сотиш мақсадида олиб кетилаётганлиги аниқланиб, ушбу маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинган.

Олтинсой туманидаги «Шифокор» ҳусусий дорихонаси мудири М.Эшмуродов махсус русистаномасиз психотроп дори воситаларининг 3-руйхатига киритилган «Сибазон» ва «Калипол» дори воситалари билан савдо қилаётганлиги аниқланди. Ушбу дори воситалари далилий ашё сифатида олинди.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖНнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.

ТАНЛИЛ

Техника — деҳқоннинг қаноти деган ибора бор. Бу бежиз айтилмаган. Ери шудгорлашдан тортиб, уруғ экин, униб чиққан нисолга ишлов ушолуғи хослини йиғиштириб олгунча бўлган жараёни техникаси тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, деҳқоннинг энг яқин кўмакчиси ва мўл ҳосил омили бўлган техникага муносабат қандай? Уларни асраб-авайлаш ва самарали фойдаланиш борасида Наманган вилоятида қандай ишлар қилинмоқда?

Шу каби саволларга жавоб топиш ва бу борадаги қонунларга қай даражада риоя қилинаётганини ўрганиш мақсадида вилоят прокуратураси органлари «Ўзгромашсервис» уюшмасининг вилоят «Машина-трактор парклари бирлашмаси» ОТАЖ ва унинг қўйи тизимлари фаолияти юзасидан текшириш ўтказди. Пахта йиғим-теримига жалб этиладиган техникаларнинг тайёргарлиги ҳамда эҳтиёт қисмлар заҳирасининг яратилишига эътибор қаратилган ҳолда мутахассисларнинг жалб қилиб ўқазилган мазкур текшириш натижасида бир қатор камчиликларга йўл қўйиб, таъминотнинг аниқланди. Жумладан, Норин туман «Машина-трактор парк» АЖ бўлим бошлиғи Мамадиддин Қорабоев ваколатини суиестемол қилиб, икхтиёрдаги баланс қиймати 6 млн. сўм бўлган ТТЗ-100 КП маркали тракторнинг 719.500 сўмлик эҳтиёт қисмларини талон-тарож қилган. Шунингдек, Мингбулоқ туман «Машина-трактор парк» АЖнинг бўлим бошлиғи Бахтиёр Аҳмедов жамиятга тегишли бўлган, 15,2 млн. сўмлик ТТЗ-80-11 маркали тракторни «Баҳром» ҳусусий фирмасига ҳеч қандай ҳужжатсиз бериб юборган. Айни пайтда иккала ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилаётти.

Текширишда шунга ўхшаш қонунбузилиш ҳолатлари кўплаб содир этилаётганлиги аниқланди. Умуман,

вилоят «Машина-трактор парк» ОТАЖ тизимига кирувчи корхоналарда ҳаммаси бўлиб 36,3 млн. сўмлик техника воситалари талон-тарож қилинган. Барча ҳолатлар юзасидан қонуний чоралар қўрилди.

Энг ачинарлиси, жамиятнинг айрим мансабдорлари техникаларни баланс қийматида нисбатан анча арзон нархларда сотиб юборишган, эҳтиёт қисмларни талон-тарож қилишган. Хусусан, Чуст туман «Машина-трактор парк» АЖ раиси Ж.Мамажонов нархи 1,2 млн. сўмлик «Енисей-1200» маркали учта галя ўриш комбайнини тумандаги «Сарвар», «Ри-вож» ва «Дуобек Рустамов РТ» фермер ҳўжалиқларига арзон нархларда сотиб, жамиятга 3,3 млн. сўмлик зарар етказган. Афсуски, бундай ҳолатларга Ўйчи, Поп, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон туманларида ҳам йўл қўйилиб, жами 36,3 млн. сўмлик зарар етказилган, 4,3 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар талон-тарож қилинган. Текшириш натижасига кўра вилоят бўйича 5 та шундай ҳолат юзасидан жиноят иш қўзғатилиб, 6 киши маъмурий, 4 киши эса моддий жавобгарликка тортилди.

Текширишларда ёнилғи-мўйлаш материаллари билан боғлиқ қонунбузилишлар ҳам аниқланди. Масалан, Қосонсой туман «Машина-трактор парк» АЖ оմбор мудири Х.Саидов

866 литр, яъни 177.411 сўмлик фергано мойини талон-тарож қилган.

Яна бир ачинарли ҳолат шуки,

ги кунда 64,8 млн. сўмни ташқил этади.

2005 йилги пахта йиғим-терими

Хўжасизлик қачонгача?

вилоятдаги «Машина-трактор парк» АЖларида маҳсулотларни қиймат нархда қабул қилиш йўли билан жамиятларга жуда кўп миқдорда зарар етказилапти. Масалан, Поп тумани «Машина-трактор парк» АЖ сотиб олган эҳтиёт қисмларнинг баҳоси товар-хомашё биржасининг Наманган филиали тақдим этган нархлар билан солиштирилганда, 6 та ҳолатда эҳтиёт қисмлар 2,3 млн. сўм қиймат нархда қабул қилинганлиги аниқланди.

Текширишларда «Машина-трактор парк» АЖларида маҳсулотларни қиймат нархда қабул қилиш йўли билан жамиятларга жуда кўп миқдорда зарар етказилапти. Масалан, Поп тумани «Машина-трактор парк» АЖ сотиб олган эҳтиёт қисмларнинг баҳоси товар-хомашё биржасининг Наманган филиали тақдим этган нархлар билан солиштирилганда, 6 та ҳолатда эҳтиёт қисмлар 2,3 млн. сўм қиймат нархда қабул қилинганлиги аниқланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президентининг «Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларини маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳам тўла бажарилмапти. Натижада буларнинг барчаси жамиятларнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатиб, иш ҳақидан қарздорлик тобора ортиб бормоқда. Қарз миқдори ҳозир

мавсумида иштирок этадиган техникалар учун умумий қиймати 985,8 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар талаб қилинса-да, шу кунга қадар бор-йўғи 342,6 млн. сўмлик заҳира яратилган, холос. Хусусан, тракторларни Д-243 маркали моторлар билан таъминлаш вилоят бўйича 34 фоизга, аккумуляторлар билан таъминлаш 59 фоизга бажарилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Тизимда меҳнат қонунчилигига риоя қилиш борасида бир қатор камчиликлар мавжуд. Текширишлар якунига кўра, тизим бўйича ноқонуний равишда қабул қилинган 41 та ҳужжатни бекор қилиш ҳақида протестлар киритилди.

Энг ачинарлиси, шўйининг март-апрел ойларида прокуратура органлари ўтказган текширишларда ҳам худди шундай камчиликлар аниқланди, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган ва бирлашма раҳбарлари оғохлангилан эди. Афсуски, улар бундан тегишли хулоса чиқариб олмаган кўрнанади...

Иқромжон СОЛИЕВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.
А.МАДАТОВ,
«Нуқуқ» мухбири

ҚАРОР ВА ЎҚУ

БАТАН ХИМОЯСИ — МУҚАМАС БУРЧ

Маънавиятда том маънодаги суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга ошириб келинмоқда. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун ҳам шу йўналишдаги фаолият маҳсулидир. Республика фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятни бажариши ва ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ муносабатлар шу қонун билан тартибга солинад. Жумладан, унинг 4-моддаси кўра, ҳарбий хизматнинг муддатли ҳарбий хизмат; сафарбарлик қақуруви резервидаги хизмат; контракт бўйича ҳарбий хизмат; Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати жорий этилган.

Қайд этиш зарурки, жисмоний ва маънавий жиҳатдан яхши тайёргарликка эга бўлган қақуриқ ёшидагилар муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида сафарбар этилади. Бу танлов ошқоралиқни таъминлаш билан бирга, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга қақуриш ҳақида қарор қабул қилишда ноҳосиликка йўл қўймайлик имконини беради. Бунда қақуриув комиссиялари фаолиятида ошқоралиқни таъминлаш, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш катта аҳамият касб этади. Бунинг учун қақуриув комиссиялари таркибига «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, Хотинқизлар қўмитаси ва ОАВ вакиллари киритилишган. Ҳарбий прокуратура ходимлари ҳам қақуриув комиссияларида мунтазам қатнашиб келишапти.

Шу йилнинг 19 август кун Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра 2005 йилнинг 1 сентябридан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерлари ва контракт бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминотидаги белгиланган хизмат муддатини ўтаганлик учун ойлик фойзли устама ҳақ миқдорлари қўйилди:

- 3 йилдан 5 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 15 фойз;
- 5 йилдан 10 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 25 фойз;
- 10 йилдан 20 йилгача хизмат муддатини ўтаганда — 30 фойз;
- 20 йилдан ортиқ хизмат муддатини ўтаганда — 30 фойз қилиб белгиланди.

Эндиликда ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаси мавжуд бўлган тақдирда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар Қуролли Кучларни малакали кадрлар билан тўлдирш учун зарур бўлган техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга қираётганида уларга тест синовларида тўлланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 20 фоиз миқдориди қўшима имтиёз берилган. Тавсиянома берилган кўндан бошлаб у йил мобайнида ҳақий ҳисобланади.

Батан ҳимояси — муқаддас бурч. Юртимизнинг асил ўғлонлари ўз бурчларига доимо содиқ қоладилар.

Қамолддин РЎЗМЕТОВ,
Республика ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

ХУШХАБАР

Пахтакорга ҳамма мададкор

Қоракалпоғистонда бу йил пахта ҳар қачонгидан ҳам мўл бўлди. Айниқса, Кегейли туманида ҳосил чўғи баланд.

Туман прокуратураси «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони ижросини таъминлаш учун барча чораларни кўрмоқда. Шудгордан тортиб, сугориш, минерал ўғит бериш, ёнилғи мўйлаш материаллари билан таъминлаш, кредитларни вақтида бериш масалаларида деҳқонлар билан ёнма-ён бўлдилар.

Бўғун кеҗейилиқларнинг қайфияти чоғ. Уларнинг меҳнати тўғрйли мавжуд 7065 гектар ердан 11 минг тонна пахта етиштирилди. Бунда «Халқобод», «Дарузақум», К. Абибуллаев, «Кегейли» фермерлар уюшмаси, Еркиндарья ширкат ҳўжалиқлари муносиб ҳисса қўшишди.

Худойбергян НИЯЗИМБЕТОВ,
Кегейли туман прокурори

ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИ

Қимматга тушган жарималар

Темирйўллар мамлакат иқтисодиётининг қон томири саналади. Улар орқали ҳар кун миңлаб йўловчилар, юзлаб вагон юклар манзилга етказилади. Бироқ, айрим шахсларнинг бепарволиги туғрйли соҳада ислохотларнинг бир маромда кетишида муаммолар кўзга ташланапти.

Тошкент транспорт прокуратураси томонидан «Ўзбекистон темирйўллари» ДХТК тизимидаги темирйўл узелининг Тошкент минтақасида вагонларнинг нормадан ортиқ туриб қолиш ҳолатлари ўрганилди.

«Охангарон цемент» ОТАЖ корхонасида «Охангарон» темирйўл бекати орқали ўтувчи вагонларнинг нормадан ортиқ туриб қолиши оқибатида корхонага 13 млн. 434 минг сўмдан ортиқ зарар етказилган.

Шунингдек, «Эозодлик» бекатида вагонларнинг нормадан ортиқ туриб қолиши «Эйвалекмаҳсустимирбетон» корхонасига 10.048.800 сўмга тушди.

Бундай ҳолатлар юк ташишда темирйўл хизматидан фойдаланадиган деярли барча корхоналарда учрайди. Уларга нисбатан жарима қўлланилди. «Пахта» нефт базиси корхонаси, «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» ОТАЖ, «Ангрен ИЭС» шўба корхонаси, «Қароқалта» қўшма корхонаси шулар жумласидандир. Шу йилнинг 6 ойда вагонларнинг нормадан ортиқ туриб қолиши натижасида уларга жами 138.100.195 сўм жарима солинган.

Вагонларнинг нормадан ортиқ туриб қолишига юкларни ўз вақтида тушириш ёки ортиш етарли даражада ташқил этилмаганлиги, юк ташиш учун транспорт воситалари ажратиб берилмаганлиги, айрим раҳбарларнинг маъсулиятсизлиги сабаб бўлмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида етказилган зарарларни ундириш учун судларга 21 та даъво аризаси киритилиб, уларнинг барчаси қаноатлантирилди.

Муборак НАЖМИДИНОВА,
Тошкент транспорт прокурорининг ёрдамчиси

Юртимизда Абдулла Давлетовни танимайдиган ёки у киши ҳақида эшитмаган ҳуқуқшунос топиломас керак. Прокурор назорати бўйича дарслик, 2 та монография, 12 та илмий-услубий қўлланма ҳамда 50 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи бўлиши бу инсон бир неча йилдирки, 53 йил давомида мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасида ортирган тажрибасини ёш ҳуқуқшуносларга ўргатиб келмоқда. Бундан ташқари Абдулла аканинг фаолияти тахририятлик билан ҳам маълум даражада боғлиқ. У киши нашрларимизда чоп этилаётган илмий мақолаларни ўқиб, юридик томондан таҳрир қилиб боради. Шу ўринда уч-тўрт йил аввал бўлиб ўтган бир воқеани келтириб ўтиш ўринли бўлса керак.

Одатда Абдулла ака тахририятга келиб, мақолаларни олиб кетар, бир-икки кунда ўқиб олиб келар эди. Ўша кунги бош муҳарриримиз чакриб, Абдулла ака касалхонада эканлигини, ўқилган материалларни ўша ердан олиб келиш кераклигини айтиб қолди. Дарҳол касалхонага йўл олдим. Палатага кирганимда Абдулла ака эндигина муолажадан чиқиб, дам олаётган экан. Бироз кутмоқчи бўлдим. Абдулла ака унамади: «Мени қўверинг. Ўн минут кейин дам олсам ҳам бўлади. Журнални топириш кеч қолмасин». Шундай дея материалларни қароватининг ёнидаги столга қўйди-да, тўриланган жумлаларни алоҳида кўрсатиб, нима учун шундай қилганини тушунтира бошлади. Гарчи Абдулла аканинг асосий вазифаси юридик терминларнинг тўғри ишлатилишини назорат қилиш бўлса-да, матндаги гализ жумла-ю имло хатоларини ҳам эринмай тўғрилаб кетганини кўриб, ҳайрон қолган эдим. Ишхонага қайтиб бу ҳақда бош муҳарриримизга айтсам, у киши: «Сиз нима деб ўйловдигиз? Абдулла аканинг нафақат юқори малакали ҳуқуқшунос, балки анча-мунча филологдан ҳам кучли», — деб жавоб берди.

Кунги кеча Абдулла ака журналнинг навбатдаги сони материалларини олиб кетиш учун келиб қолди. Фурсатдан фойдаланиб, у кишидан ўзбек тили грамматикасини буқадар яхши билишининг сабабини сўрадим.

— Мақтаниш эмас-у, мактабда яхши ўқиганман. Шунинг учун бўлса керак, институтда ҳам унчалик қийналмадим. Китоб ўқишни жуда яхши кўраман. Грамматикани яхши били-

Кадр топаган инсон

шимга келсак, она тилига болалигидан қизиққанман. Институтда «Олга» деган газета бўларди, шунга муҳаррирлик ҳам қилганман. Шу савол баҳона Абдулла ака билан анча суҳбатлашиб ўтирдик. У киши ёшлик вақтлари ҳақида ҳикоя қилиб берар экан, нафақат йил ва ой, балки кунларини ҳам аниқ айтишини кўриб, хотирасига қойил қолдим.

Абдулла ака меҳнат фаолиятини 1947 йилда Хўжайли шаҳар судининг котиблигидан бошлаган экан. Институтдаги сабоқдан сўнг Хоразм вилоят прокурорининг махсус ишлар бўйича ёрдамчиси этиб тайинланади. Бир йилдан кейин Республика прокуратурасига ишга ўтади. 1957 йилда Республика прокуратураси тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари, келаси йили эса Хоразм вилоят прокурорининг ўринбосари, 1960 йил февралдан бошлаб 1965 йилгача вилоят прокурори лавозимда меҳнат қилади. 1965 йилдан Қорақалпоғистон прокурори сифатидаги фаолияти бошланади. У киши бу лавозимда 18 йил меҳнат қилган экан. Сўнгра Тошкент давлат университетининг юридик факультетига ёшларга сабоқ беради.

1990 йилдан бошлаб Абдулла ака яна прокуратурада фаолият юрита

бошлайди. Маълум бўлишича, у киши Ўзбекистон Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказининг асосчиларидан бири экан. Марказ 1992 йилда иш бошлаган бўлса, Абдулла ака аввал катта ўқитувчи, кафедра мудири, марказ директори, сўнг яна кафедра мудири сифатида 2003 йилгача самаралар меҳнат қилди.

Абдулла Давлетов амалиётни тадқиқот ишлари

Ҳозир бир воқеа ёдимга тушди. Янгилишмасам, Хоразмда вилоят прокурори эдим. Бир туман прокурори билан райкомдагилар чиқолмай қолди. Иш катталашиб, обкомга чиқди. Прокурорни ишдан олиш масаласини қўйишди. Ўша прокурорни яхши таниганим, ҳалоллигини, ҳақ эканлигини яхши билганим учун бунга қарши чиқдим. У пайтлари партиянинг айтгани айтган эди. Аммо охири ҳақ жойидакдор тоқди. Прокурорнинг юзиди ёруғ бўлди.

Шогирдларимга келсак, Ҳ.Ҳалимов, И.Давлетов, Ж.Норимбетовлар бугунги кунда эл-юрт ҳурматиға са-



ибрат қилиб кўрсатувлик оилалардан ҳисобланади. Фарзандларидан Сайёра Ҳақимова Конституцион суд суддиси, юридик фанлари номзодаи бўлса, Алишер ва Шўхрат Давлетовлар ҳам ҳуқуқшунослик касбини танлашган.

— Қолган икки қизим Дилором билан Муҳаббат онасининг изидан бориб медек бўлишган. Дилором тиббиёт фанлари номзодаи, — дейди Абдулла ака фарзандлари ҳақида гуруҳ билан.

Абдулла акани кузатиб қайтар эканман, марказнинг кафедра мудири, юридик фанлари доктори Бахтиёр Пулатовни учратиб қолдим. У киши Абдулла ака билан суҳбатлашганимни эшитиб: «Бахтиёрнинг борми? У киши яқинда етмиш беш ёшни қаршилайти», — деб қолди. Шу гап баҳона Бахтиёр акадан Абдулла ака ҳақида сўрадим.

— Абдулла акани 1980 йилдан, Қорақалпоғистон прокурори бўлган вақтдан биламан. У кишини аввало юқори малакали юрист, йирик олим ҳамда амалиётчи сифатида таърифлаган бўлардим. Ёшларга меҳрибон устоз. Гарчи жиноят ҳуқуқи бўйича мутахассис бўлса-да, фуқаролик ёки ҳўжалик ишлари бўйича маслаҳат сўраб келганлардан ҳам ёрдамчини аямайди. Ҳа, Абдулла аканинг умрига умр қўйилсин. Эл-юртга фойдаси тегадиган кадрларни тайёрлашдан чарчамасин. Агар таваллуд кун баҳонасида мақола тайёрламоқчи бўлсангиз, шу тилакларимни ҳам қўшиб қўйинг.

Биз ҳам Бахтиёр аканинг тилакларига қўйшамиз.

Фағружон АЛИМОВ, «Ниқуқ» муҳбири

АХБОРОТ

Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва ОАВ

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини кенг жамоатчиликка тўлақонли тушунтириб бориш оммавий ахборот воситаларининг муҳим вазифалари қаторига кириди. Шу муносабат билан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонунчилик мониторингинг институтини ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма ҳамкорлигида «Фуқаролик форуми» лойиҳаси доирасида «Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва оммавий ахборот воситалари» мавзусида давра суҳбати ўтказил-

ди.

Давра суҳбатида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А.Саидов, «Ижтимоий фикр» маркази директори, академик Р.Ўбайдуллаева фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда айнама оммавий ахборот воситалари муҳим манба эканлигини ҳамда жамоатчилик фикрини шакллантиришда алоҳида ўрин тутишини таъкидладилар. Шу йил август ойида матбуотда эълон қилинган Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш журналистлар мунтазам қаламга олиши лозим бўлган ниҳоятда му-

ҳим мавзулар эканлиги алоҳида урғу берилди. Мавзунинг ёритишда журналистлар ва муаллифлар оддий фуқаро тушунадиган тилда ёзишлари, ҳолис ва ҳаққоний фикрлашлари, фақат тўғри ахборот узатишлари муҳим аҳамият касб этади.

Давра суҳбатида иштирокчилар эътиборига Ўзбекистон даврий матбуоти мониторингига оид қизиқарли маълумотлар ҳавола этилди. Шунингдек, улар «Ижтимоий фикр» маркази томонидан тайёрланган таҳлилий материаллар билан танишиб, фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Мунозара тарзида ўтказилган давра суҳбатда қатнашган олимлар журналчиларнинг қизиқтирган барча саволларга жавоб беришди.

Ўз муҳбиримиз

ДОЛЗАРБ MAVZU

Ўзбекистон миллий матбуот марказида Тожикистоннинг Турсунзода шаҳрида жойлашган алюминий заводидан атмосферага тарқалаётган захарли чиқиндиларнинг Сурхондарё вилояти аҳолисининг саломатлигига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига етказяётган зарариға бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзгидрометмарказ, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тектириш институтини, Сариев тумани ҳокимлиги мутасаддилари ва бошқа экспертлар иштирок этишди.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

Кейинги пайтда ОАВда Тожикистон алюминий заводини Россиянинг «Русский алюминий» компанияси сотиб олар эмиш ва унинг ишлаб чиқариш қуввати янада ошар эмиш деган хабарлар тарқала бошлади. Бу ҳол бутун Ўзбекистон аҳолисини ташвишга солиб қўйди. Негаки, 1975 йили ишга туширилган заводнинг ишлаб чиқариш қуввати ортгани сайин унинг атмосферага чиқараётган зарарли чиқиндилари ҳам ошиб борган. Бундан эса Сурхондарё вилоятининг Денов, Сариев ва Узун туманлари аҳолиси, экологияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар қўрмоқда. 1982-1989 йилларда завод атрофи муҳитга ҳар йили 40 минг тонна захарли моддалар, жумладан, 300-400 тонна фторли водород чиқарган.

1988-1992 йиллари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий тектириш институтлари ўтказган тадқиқотлар чоғида аёлларнинг репродуктив саломатлигига путур етгани, инсон танасининг қон ишлаб чиқариш функцияси бузилганлиги, фторли бирикмаларнинг суяк тўқималарига салбий таъсир этаётгани, аҳоли ўртасида нафас йўллари, сунуқали бронхит, эндокрин системаси хасталиклари кўпайгани аниқланган.

Маълумотларга қараганда завод тўлиқ қувват билан ишлаган йиллари ҳавога чиқарилган

фтор моддаси нормадан ошиб кетиши оқибатида Сариев туманида ўсимликлардаги йод моддаси кескин камайиб кетган ва фотосинтез жараёни бузилган.

Мутахассисларнинг фикрича, Россиянинг КраЗ ва БраЗ сингари алюминий заводларининг тозалаш иншоотларини модернизация қилишга 2 млрд. АҚШ доллари миқдорига маблағ ҳамда анча вақт керак бўлади. Матбуотда тарқатилган хабарларда Тожикистон алюминий заводининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва яна бир алюминий заводини қуриш учун «Русский алюминий» компанияси бор-йўғи 1,5 млрд. доллар ажратишни режалаштиргани айтилмоқда. Ўшбу маблағ фақат қурилиш ва ишлаб чиқариш қувватини ошириш учун ишлатилса, ҳар бири 2 млрд. доллар атрофида турадиган тозалаш иншоотлари нима бўлади?

Келтирилган маълумотлардан шундай хулоса чиқадикки, агар Тожикистон алюминий заводининг ишлаб чиқариш қуввати оширилса ва ҳавога чиқарилаётган захарли моддаларни тозалаб бера оладиган замонавий иншоотлар барпо этилмаса, завод атрофидаги ҳудуд, жумладан, мамлакатимизнинг зикр этилган урта тумани экологик ҳалокат майдонига айланиши мумкин.

Ўз муҳбиримиз



ТАДБИРКОР МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

18-модда. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг конституцийвий кафолатлари

Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир...

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонундан

Бировнинг ҳаққи...

Меҳнат қилмай, ҳалол ишлаб топмай, бировдан тама қилиш, бировнинг ҳисобига яшаш нодонлиқдир. Бундай пасткашликка бориб, пинҳона иш тутаман, деган киши хато қилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш давлат аҳамияти даражасига кўтарилган бир пайтда, айрим масъул шахсларнинг тадбиркорлар ҳаққини туя қилаётганини оқлаб бўлмайди.

Хатирчи туман прокуратурасига «Хусниддин» фермер ҳўжалиги раҳбари ариза билан мурожаат қилади. Н.Набиев раҳбар бўлган ушбу ҳўжаликка «Тадбиркорбанк»нинг Хатирчи туман филиали хизмат кўрсатар эди. Қўнларнинг бирида у ҳисоб рақамиди пулининг қаммаганини сезиб қолади. Кейин билса, унинг руҳсатисиз ҳисоб рақамидан фўқаро А.Қаюмовнинг 2004-2005 йил Навоий тоғ-кон институтда ўқиши учун 138.200 сўм кўчирилган экан.

Хатирчи туман прокуратураси томонидан «Тадбиркорбанк»нинг туман филиали мутахассиси З.Тирақашева нисбатан жиноят иши кўзга тилиб, ушбу маблағ эгасига қайтарилди.

Яна бир мисол. Хусусий тадбиркор Б.Аҳмедов Навоий шаҳрида савдо билан шуғулланарди. Шаҳар солиқ инспекцияси нозир М.Қурбонов унга бир неча бор учраб: «Сен патентсиз савдо қилиб юравер, эвазига ҳар ойда 50 минг сўм бериб турасан», деган. Б.Аҳмедов унинг бу талаби ҳақида ҳуқуқ-тартиб ҳодимларига хабар берди. Нозир 50 минг сўмни олаётган пайтида қўлга олиниб, суд ҳукмига кўра 5 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Тадбиркорлар манфаатига белгисиз ҳоллари «Тадбиркорбанк»нинг Навоий вилоят бошқармасида ҳам учраб турибди. Ушбу банкнинг мансабдорлари томонидан Кармана туманидаги «Дилмурод Тошев» фермер ҳўжалигига ажратилган 4 млн. сўмлик кредит маблағлари талон-торож қилинган.

Ҳозирда айбдорларга нисбатан жиноят иши очилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Бировнинг ҳақи бировда қолиб кетмайди. Аммо, шуни таълимуриб, нафсига эрк берган айрим мансабдор шахслар қинғир ишга қўл уришдан олдин, ўз бурчлари ҳусусида ўйлаб кўришса, фойдадан холи бўлмасди.

Хушнур МАХСУДОВ,

Навоий вилоят прокуратурасининг бўлими прокурори

Тадбиркорга мадад бўлайлик

Текширишларни қаматириш юзасидан олиб борилган ишлар натижа-сида жорий йилда ҳўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган текширишлар сони олдинги йилларга нисбатан 51 фоизга қаматирилган эришилди. Биргина шў йилда назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган томонидан прокуратура органларига текшириш ўтказиш учун рухсат берилган 1365 та объект режадан чиқарилди.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида вилоят прокуратураларида ишонч телефони ташкил қилиниб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига нўқоний аралашувлар, таъмағирлик ва бошқа қўнубузаришларни хабар қилиш йўлга қўйилди.

Шў йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатлари бузилмиш билан боғлиқ 35 нафар шахсга нисбатан 33 та жиноят иши кўзга тилиди. Етказилган моддий зарарларнинг 36,5 млн. сўми айбдорлардан ундирилган.

Фаргона шаҳар давлат солиқ инспекцияси инспектори Э.Темиров «Шакар» хусусий фирмаси раҳбари М.Юсуповдан солиқ тўловларини яширганлигини кўрсатмаслик эвазига 400 АҚШ долларини пора сифатида олаётганида ушланган. Шўнингдек, Янгийўл тумани ДСИ бошлиғи Р.Шодиев, Зангиота Давлат солиқ инспекциясининг бўлими бошлиғи Х.Ҳўжамуродов ва Қўрай туман солиқ инспекциясининг бўлими бошлиғи Р.Аҳороровлар хусусий тадбиркорлардан пора олаётган вақтида ушланган. Қайд этилган жиноят ишлари бўйича айбдорлар тегишли жазосини олишди.

Жойлардаги айрим ҳўкимият ва давлат идоралари мансабдорларининг тадбиркорлар фаолиятига тўқсунлиқ қилиши, нўқоний арала-

Республика прокуратураси органлари томонидан Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни нўқоний талаб этганлик учун жавобгарлиқни кўчатириш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

шўви тадбиркорликни ривожлантиришда муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жўмладан, Тошкент вилояти Чиноз тумани ҳўкимиятининг хусусийлаштириш бўлими бошлиғи А.Тошпўлатов фўқаро Ш.Эргашевдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун тумандаги «Янгийўл» ёрдамчи ҳўжалигининг арзон нархда сотилиши бўйича ҳўжатларни расмийлаштириб бериш эвазига 3000 АҚШ доллари миқдоридан пора олган.

Фаргона шаҳар ҳўкимиятининг тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекцияси сектори бошлиғи Ф.Эгамбердиев яқна тартибда хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани бериш эвазига Ш.Мўминовдан 75 минг сўм пора олаётганида қўлга олинган.

Банк идоралари мансабдорлари томонидан ҳам тадбиркорлик субъектларининг фаолият юртишига тўқсунлиқ қилиш ҳўлатлари учрамоқда. Масалан, «Ўзтадбиркорбанк»нинг Қўрақалпоғистон бўлими бошқарувчиси М.Мўтдинов «Жасовит» фирмаси раҳбари С.Қўтлимуродов билан кредит шартномаси тузиб, бир йил муддатга 10 млн. сўм миқдоридан кредит бериш мажбуриятини олган. Лекин М.Мўтдинов «Жасовит» фирмасига фақатгина 5 млн. сўм ўтказиб бериб, қолганини ўзлаштирган.

Бўндан ташқари, тадбиркорларнинг фаолиятига нўқоний аралашган мансабдор шахсларга нисбатан кескин чоралар қўрилмоқда.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туман давлат санитария эпидемиология маркази ходими Т.Маткаримов Хўжанд қишлоғидаги «Нуроний» жамғармасига қарашли ошонада назорат қилувчи органлар вилоят комиссиясининг руҳсатисиз текшириш ўтказган. Шў-

нингдек, тумандаги «Пахта банк» бўлими ходими А.Абдулҳафизов «Тўрақўрғон газ тўлдириш» шўъба унитар корхонасида шартнома ва тўлов интисомига оид қўнунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказётганида «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»га тегишли маълумотларни киритмаган.

Ушбу ҳўлатлар юзасидан Т.Маткаримов ва А.Абдулҳафизовларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга тилинган.

Ўтказилган тадбирлар натижасига кўра, аниқланган қўнубузилиш ҳўлатлари юзасидан 52 мингдан зиёд прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилиб, 16261 нафар шахс интисомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган.

Акмалхон МАДИЕВ,

Республика бош прокуратураси бошқарма прокурори

МИННАТДОРМАН

Мен Термиз шаҳрида «Ҳазрат Ҳаким» хусусий кичик корхонаси очиб, қўрилиш материаллари савдоси билан шуғулланиб келяман. Ҳисоб рақамимни «Савдогарбанк»нинг Термиз филиалида оingan эдим.

2005 йил 29 июл кўни ҳисоб рақамимдаги нақд пул тўшумига тегишли ҳўжатларни олиш учун бориб солиштирсам, ҳисоб рақамимдаги 1 млн. 964 минг сўм пулни Ангор туманидаги «Гўлбаҳор момо» хусусий корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб юборишганимни билиб қолдим. Дарҳол вилоят прокуратураси ҳўзуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасига ариза билан мурожаат қилдим.

Буни қарангки, банкнинг етакчи мутахассиси Луиза Туропова менинг розилигимсиз банк бош ҳисобчиси Жамшид Воҳидовнинг оғзаки буйруғи билан «Гўлбаҳор момо» хусусий корхонаси ҳисобига «молиявий ёрдам» деб ушбу ишни амалга оширган экан.

Вилоят прокуратураси ҳўзуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ҳодимларига миннатдорчилигимни билдираман. Уларнинг ҳаракатлари туфайли банк ҳодимларига нисбатан жиноят иши кўзга тилиб, 1 млн. 964 минг сўмлик зарар ундирилди.

Норкул ҲАЗРАТҚУЛОВ,

Термиз шаҳар «Ҳазрат Ҳаким» хусусий кичик корхонаси бошлиғи

ЭЛГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ ҲИММАТ

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилги «Давлат мулки айрим объектларининг инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Гулистон туманидаги «Киновидео» акциядорлик жамиятининг ташландиқ ҳўлга келган биносини қўлга киритган «Бўёвут чевари» хусусий кичик корхонаси раҳбари Замира Эсиргапованинг омади келди. Айни пайтда З.Эсиргапованинг сармоясини ҳисобига бинонинг асосий қисми таъмирланган. Мазкур бинода мўъжазгина видеосалон, фотосалон, эркаклар ва аёллар сартарошононаси, тикувчилик ва зардўзлик цехи фаолият кўрсатмоқда. 15 нафар янги иш ўрни ташкил этилди. Қолаверса, аҳолининг мазкур соҳага бўлган хизмат турлари эҳтиёжи қондирилди. Келажақда хизмат турларини янада кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Суратда: «Бўёвут чевари» хусусий кичик корхонаси раҳбари З.Эсиргапова (ўртада) тикувчилар Ирода Омонлиқова ва Феруза Назаровалар билан янги буюртмани кўздан кечирмоқда.

Муҳаммад КАРИМ олган сурат



...Тадбиркорлар фаолиятига нўқолис, тирноқ остида қир қидириш қайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечин, аксинча, уларнинг манфаатлари ва қўнуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фўрсати етди.

Мамлакатимиз келажagini белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шўндай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиб керакки, улар ўзи, ўз овласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг раванга йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар...

Республика Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги мавзусидан



ENTIYOT BO'LING, FIRIBGAR!



Фирибгарнинг қайтиши

Қарийб икки кун кўринмаган кўёшнинг юзидан ниҳоят парда кўтарилди. Шамол паға-паға қора булутларни чеккага сура бошлади. Гарчи мавсум кизгин тус олмаган бўлса-да, идорада бир-биридан долзарб юмушлар бир талай...

ерда юришади. Уларга меҳмонхона хизматлари дегандай... Шу гал хизмат сиздан бўлсин.

Қатъиятли оҳанг директорни бироз шошириб, ноқулай аҳволга солди.

— Ҳозир пул йўқ эди-да. Ишчиларга маош бериш ҳам муаммо бўлиб турибди.

Бу жавоб Аъзамжонни туюқтириб юбориш турган гап эди.

— Бир марта илтимос қилдиғу, шуни ҳал қилинг. Мен сизни шу йўлнинг катта трасса билан кесишган ерида кутиб тураман, 15 дақиқа вақтингиз бор!

Директор кийин ҳолатга тўшиб қолди. «Нега идора тинчми?» деб сўради ёки... Бир марта илтимос қилишгапти экан, иложини қилиши керак. Аммо қандай қилиб?! Шу каби саволлар гирдобидан қолган Э.Абдурахмоновнинг миёсига лоп этиб бир фикр урилди. «Кеча ўғлим Ҳусниддин мол сотдим дегётган эдим, ўшандан қарз олиб турсам-чи?».

Директор одамгарчилик қилиб, ўғлидан қарз кўтариб, 20 дақиқадан сўнг Аъзамжоннинг изидан борди.

— Мана, ука, тўппа-тўғри юз минг.

— Қўйсангиз-чи, нима бўларди юз минг? Ҳеч бўлмаса яна юзта қўшиб келинг!

Ҳам пул бериш, ҳам иддао эшитиш директорнинг ҳамиятига тега бошлаганди.

— Олмасангиз олманг, мен бундан ердан супуриб эмас, қарз кўтариб олиб келаяпман, ука...

— Ҳа, майли, аммо айтиб қўй, ҳали яна кўришамиз.

Аъзамжон бели букланмаган бир пачка минг сўмликни олиб

чўнтакка урди-да, жўнаб кетди. Орадан 8-10 кун вақт ўтибқ Э.Абдурахмоновнинг қўл телефони яна кетма-кет жиринглай бошлади. Яна ўша Аъзамжон.

— Сизнинг «ишингиз» хусусида гаплашиб олишимиз керак. Мотрид кўчасидаги «Ҳожибобо» ошхонаси ёнига келсангиз, ўзингизга яхши бўлади.

— Аъзамжон, мен йўлда эдим, вилоят ҳокимлигига йиғилишга кетаяпман. Кейинроқ гаплашайлик.

— Кўрамыз! — у шундай деб алоқани узди.

Бутун йиғилиш давомида ушбу мулоқот ҳаёлидан кетмаган Э.Абдурахмонов хуфтонда Самарқанд вилоят прокуратурасига бориб, эшикдаги милиция ходимларидан Аъзам Турсуновни қақриб беришларини сўради.

Орадан бир муддат ўтиб кириш эшиги ёнига кўркем форма кийган, истараси иссиқ бир йигит чиқиб келди.

— Мен Аъзам Турсуновман, ким сўраганди?

— Мен... — деди Эшмамат ака нафаси ичига тушиб. Лекин у Аъзам бошқа, коррупция бўлидидан эди...

— Ундай эмас, бўлимимиз «иктисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими» дейилади. Бўлимда мендан бўлак Аъзам йўқ.

Директор чўч тушиб юрганини англаб, вужудини совуқ тер босди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, вилоятда қонунлар ҳимояси билан шуғулланувчи ушбу нуфузли идора остонасидан туриб, бир дўкондор аёл Аъзам Турсуновни учрашувга чорлаб қолди. Маълум бўлишича, Самарқанд шаҳар Саттепа даҳасида яшовчи Насиба Раҳмонова ҳам Аъзам исми «коррупция бошлиғи»нинг дўқларидан хайиқиб, у сўраган катта микдордаги пулни «дўконни текширтирмаслик» учун бериб юборган экан.

Бор-будини топширган аёл Аъзамжон жўнаб кетганидан кейин юрагига безовталик пайдо бўлади. «Нима, прокурор деганлари дўқ уриб, пул талаб қилавериши керак экан-да. Кунбўйи тик оёқда туриб савдо қилиш осонми?!».

Учрашган онда Насиба опа қаршида қўлини кўксига қўйганча «Нима хизмат билан келгандингиз?» деб турган ҳақиқий Аъзам Турсуновни кўргач, лол бўлиб қолди. «Наҳотки, шунча пулни бир товламачининг қўлига топшириб ўтирибман?».

Аслида ҳам шундай бўлган эди. Гадо икки-уч эшикдан ўтиб олгунча мушкул ҳолатни бошдан кечирар экан-у, кейинчалик талаб ейишдек осон «хунар»га умр бўйи боғланиб қолар экан дейишади. Бекорчи, танбал ва нафси учун жиноятга қўл уриб, икки йилга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилган Рустам Мажидов судда сувдек ичган қасамини тезда унутиб, эски касали хумор қила бошлади.

Шу зайл у гоҳ Эркин, гоҳ Алишер, гоҳи Аъзам, бирда Улуғбек бўлса, бирда Ўткир ёки Ўктам номлари билан нуфузли идоралар номини сотиб, нафсини қондириб юрди.

Унинг қармоғига «Оқтошнон» савдо ишлаб чиқариш корхонасининг директори, Оқдарё тумани «Чамбилбел Бобур» номли машина-трактор парк бошлиғи Нарзулла Одилов ва бошқа қўлпаб соддадил кишилар илиниб, оқибатда ўз ёнига ўзи қовурилиб қолаверишган. Товламачи эса қатор жиноятларни содир этиб, «ушлаган ерини узиб оладиган прокурор» сифатида ялло қилиб юраверган. Ҳаммаси бир эди-ю, қонун ҳимояси билан шуғулланувчи нуфузли давлат идораси номининг бадном қилиниши чинакам ҳақоратдан бошқа нарса эмасди. Шундай кескинлик вужудга келган вақтда қалаванинг бир учи қўлга теккандек бўлди.

Ўша товламачи «ов»га чиққан пайтлари 14 L 3777 номерли «Нексия» хизматидан фойдаланаркан.

Оқни оққа, қорани қорага ажратиш пайти келган эди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан тузилган тезкор гуруҳ ишга киришди.

Кузатувдаги «Нексия» яна Самарқанддан Жума йўли орқали ҳаракатлана бошлади. Каттақўрғон шаҳрига яқинлашган, биринчи «ови» — автомобилларга газ қуйиш шахобчаси томон бурилиб тўхтади. Витор ва салобат билан хизмат кўрсатиш ойнасидан мўралаётган ҳукмдор яна актёрлик қобилиятини намоиш эта бошлади.

— Сен бола, қани ҳўжайининг?

— Шаҳарга тушган эди. Энди келиб қолар.

— Мен вилоят ИИБ коррупция бўлимиданман. Мазкур шахобчани муҳрлаб, текшириш ўтказишим керак. Эшикни очиб, менга ҳужжатларни кўрсат.

— Уэр, ака, ҳўжайинни кутайлик. Усиз мен ҳўжатларни билмайман, — деди титраб-қақшаб хизматчи Тўлқин Қўчқоров. Бундай таваллоғо ўргатган «текширувчи» яна «тутақиб кетди».

— Ҳов, зумраша, мен ҳозир сенга ҳўжатларни кўрсатмаслик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман. Гапинг қимматга тушишини ўйла!

— Уэр, ака...

— Ҳа, шундоқ бўлсин. Сен тез бўл, менга 20.000 сўм чўз. Ҳамир учидан патир, тушундингми? Чой ичиб қайтганимча ернинг тагидан бўлсам, ҳўжайинингни топасан!

— Хўп-хўп, акажон!

200 сўмлик бир пачка пулни эрталабки насиба деб билган Рустам чўнтакка урди. Аммо уни ҳазм қилишга келганида бироз ошиққан эди. Тезкор гуруҳ ходимлари уни товламачилик устида далилий ашё билан қўлга олишди.

Тулқиннинг айёрлиги инсонга ёт бўлиб, ўз айёрлигини яшира оладиган айёр ҳали туғилмаган. Ҳарқалай, буқрини гўр тузатадимми ёки узок йиллик озодликдан маҳрум этиш жазоси Р.Мажидовнинг ҳаётда тўғри йўлни танлаб олиши учун етарлими, бу ҳақда бафуржа ўйлаб кўриш учун энди вақти сероб.

Мадад ТУРДИЕВ,
Самарқанд вилоят
прокуратурасининг алоҳида
муҳим ишлар бўйича терговчиси.
Мансур АЛОВУДИНОВ,
«Ниқуқ» муҳбири



TURMUSH CHORRAHALARIDA

Етмиш ёшлардаги отахон билан тасодифан танишдик. Тушлик пайти ошхонада «шу жой бўшми» деб рўпарамга ўтирди. Тамадди қилаётиб, бошига тушган савдоларни сўзлаб берди.

— Фарғонадаги 2-Бешбола кўчасида тураман. Маҳаллада кулг бўлиб қолганман. «Ҳа, тоға шакарни ундириб олдишим?» деб сўрашганда ичимдан зил кетаман. Заҳарга айланган шакар ичимни кўйдирди. 1996 йил ёзи эди. Радиода беҳос иштаҳани очадиган эълон қулғимга чалинди. «Тошкент шаҳридаги «Цукар-бизнес» фирмаси арзон нархда, чекланмаган микдорда сифатли шакар сотади. Манзилни эслаб қолинг...». Нархи саксон сўм саксон тийин. Арзонлигига қизиқиб қолдим. Қанча сақласанг, айнимайди. Қиём-пиёмга ишлатасан. Сотиб фойда кўришинг ҳам мумкин. Ўшанда ёнимда ўн минг сўм бор эди. Бозорда ўнта етилган

Заҳарга айланган шакар

қўй берарди. Хомкалла, қўй олмай, шакарга кўнглим суст кетди. Астойдил йўлга отландим. Тошкент шаҳри Акмал Икромов туманида, кўчаси эсимда йўқ, «Цукар-бизнес»ни қидириб топдим. Илк қарши олишди. Дарҳол мен билан шартнома тузишди. «Пулни қасасага топширинг», дейишди. Бир тонна-ю, юз килоча шакарни ўн

беш кун ўтиб, юклаб кетадиган бўлдим. Қўлимда шартноманинг бир нусхаси, пулни олгани ҳақида квитанция, кўнглим тўқ. Айтган кунлари борсам, фирманинг эшиги тақа-тақ берк. Сўраб-суриш-

йигиб, шакарни беришмаган, шунинг учун тафтиш ўтказиб, фирмани беркитиб қўйишган экан.

— Пулларни ундирганимизда қажрамыз, — деди терговчи. Бироқ орадан шунча йил ўтса-да,

тирсам, «Милиция муҳрлаб қўйган, ҳақингиз бўлса, бориб учранг», дея маслаҳат беришди. Туман милициясида ИИВ тергов бошқармасининг терговчиси, милиция катта лейтенанти Ш.Бекмуродов гувоҳ сифатида сўроқ қилди. Мендаги шартнома нусхаси ва квитанцияни олиб қўйиш тўғрисида қарордан кўчирмани қўлимга тутқазди. Маълум бўлишича, «Цукар-бизнес» бошқаруви О.Белоқрилов, М.Колекс, А.Федосимовлар ўша йили март-апрел ойларида одамлардан пул

қақирув қоғози келмади. Қўлимда терговчининг 1996 йил 26 июл кўни тузилган 014 а сонли олди-сотди шартномаси, 2812 сонли мажбурият қоғози, 328 сонли қирим-қасса ордери, рақамсиз товар-чек нақладойи ҳужжатларини олиш тўғрисида баённома нусхаси билан икки бармоғимни бурнимга тикиб қолавердим. Ниҳоят, чиқмаган жондан умид, деб 2005 йил 18 май кўни ИИВга ариза ёзиб жўнатдим. Лекин жавоб келмади...

Оқсоқол чой ҳўплаб, сўзини давом эттирди.

— Менга бу кўргулик ҳам оз экан. Утган йили уйимга ўғри тушди. Фарғона туманида яшовчи Акбар Ҳайдаров қўлга олиниб, суд бўлди. Суд менга етказган 350 минг сўм зарарни тўлатиш тўғрисида қарор чиқарди. Бирок, Фарғона суд ижрочилари идораси бир йилу тўрт ойдан бери суд қарорини бажармаяпти. Жавобгардан ундириладиган нарса йўқ, деб мени сарсон қилишяпти.

Ҳозир яна уларга учраб, ҳафсалам пир бўлиб келаяпман...

Содиқ ака Собировга тасалли беришдан оғиз эдим.

— Ўғридан ҳақингизни барибир ундириб беришнинг керак, ИИВ ҳам аризангизга жавоб беради, — деб қўнглини кўтардим-у, ўйлаб қолдим. «Ҳуқуқларнинг муносабатлари тўғрисидаги қонунга муносабат шуми?!» Оқсоқолнинг дардига ким қулоқ солади?

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Ниқуқ» муҳбири

SUD OCHERKI

АНОР БУТАСИ ОСТИДАГИ ЖАСАД

Айтишларича, Юсуф алайҳиссалом отаси Ёқуб алайҳиссаломга одобсизлик қилганлиги учун бошқа пайгамбарлардан етмиш йил кейин жаннатга киришга ҳукм этилади. Юсуф алайҳиссаломнинг одобсизлиги шу эдики, у киши отаси билан кўришадиганда отдан тушмай сўрашган экан... Қадим битиклардаги бу ривоят замирида олам-олам маъно мужассам. Дарҳақиқат, ота дунёдаги энг улғу зот. Унинг розилигини олиш фарзандларнинг Оллоҳга ва унинг расулига бўлган муҳаббатининг бир зарраси. Афсуски, сўнгги пайтларда турмушимизда ота-она ва фарзандлар орасида меҳр-оқибат ришталари узилгандек гўё. Улар орасидаги нифоқ уруғлари маънавиятдан йироқ қалбларда ниш уриб, мева солаётгандек. Авваллари отанинг кўзига тик қарай олмаган фарзандлар бугун унинг жисмига тиг тортмоқда. Биргина Ғиждувон туманида шу йилнинг ўзида бир неча шундай жиноят содир этилган. Феврал ойида 87 яшар чол маст ҳолда 86 яшар кампирини уриб ўлдирган. Август ойида эса арзимаган воқеа сабаб ўғил отасини чавақлаган. Хўш, бу фожеаларга сабаб нима? Унинг илдизи қай иллатлардан сув ичади? Қуйида Шофиркон туманида содир этилган бир жиноят тафсилоти орқали шу саволларга жавоб излашга уриндик.

ловуллаб ёнган юраги энди пушаймон ўтида ёнади...

2004 йилнинг 9 июл куни эди. Кечкурун турмуш ўртоғи яна ичиб келди. Бафони кунда ичиб келишдан безган аёл унга бор захрини сочди. Жанжал бошланди. Жахлга минган Бафо ўғли Суннат билан чиқиб кетди. Зухра ҳақиқатлаб йиғлаб қолаверди. Ахир эрталаб эрига: «Кечкурун яна ичиб келманг. Катта ўғлимизга бир қиз топдим, совчиликка борамиз», деб тайинлаган эди-да! «Барибир ўз билганидан қолмайди. Бу аҳволда қандай келин тушираман, бунақада ким бизга қизини беради? Бу эр дастидан эл ичиди шарманда бўлдим» деб нолирди у.

Алламаҳалла эри ўғли билан қайтиб келди. Устига-устак яна маст эди. Зухра гап таъсир қилмас эридан аламини олиш учун қўлига эрк берди. Эр-хотин бир-бирининг ёқасидан бўғиб, тортишиб турган вақтда Суннат уйдан чиқиб қолди. Қўлига таёқни олиб онасига ёрдамга шошилди. Она ва ўғил шу кеча бараварига қотилга айланмишди. Ёғоч сўрига ётқизилган отанинг устига чиқиб, қўл-оёғини босиб турган ўғил онасининг қора қилмишига шерик бўлди. Бафони бўйнидан бўғиб олган аёл у жимиб қолганидан кейингина қўлларини бушатди. Зухра ҳам, Суннат ҳам кўркун гирдобига тушди. Шу пайтда катта ўғил Муҳиддин ҳам келиб қолди. Воқеадан воқиф бўлиб онаси ва укасига:

— Отаним ўлдириб қўйибсизлар-ку! — деди даҳшат билан.

— Жим бўл! Агар бу ҳақда бировга гуллаб қўйсанг, сен ҳам ўласан, билиб қўй! — деди Зухра қатъий.

Муҳиддиннинг фигони бўғизда қолди. Икки ўғил жимгина онанинг буйруғини бажаришди. Эски-туски кийимларни жасадаг кийдириллар, шолча ва қанор билан ўраб-чирмаб, анор остидаги ўрага кўмдилар. Эртасига қишлоқда Бафони Тошкентга сафарга кет-

гани ҳақида гап тарқалди.

Зухра бўлиб ўтган воқеани ҳар эсланида вужди зиркиради, тушларида эри уни тинимсиз таъкиб қиларди. Эри бир бор ўлган бўлса, у ҳар тунда минг ўлиб, минг тирилади. Азоб, пушаймон, афсус... Тоғбой отанинг дағдағаси эса ҳаммасидан ошиб тушди.

Зухра жиноятини яшириш учун турли найрангларни ўйлаб топди. Ўғлини Самарқандга юбориб ўша ердан уйга Бафо Халилов номида телеграмма жўнаттиради. Тоғбой отага эса: «Мана, ўғлингиз Самарқандда экан-у, сиз мендан гумонсираб юрибсиз», дея қалбаки телеграмма қоғозини қай-нотасига беради. Ҳамма иш у ўйлагандек кетаётгани. Бирок...

Орадан тўққиз ой ўтгач, унинг ҳамма кирдикорлари фош бўлди. Экин эканан деб ер чапётган қўшин келин томоқда бир жасаднинг оёғини кўриб қолиб ички ишлар бўлимига хабар қилади. Шу тариқа калаванинг эли топилади.

Суд ҳукми билан қотил аёл озодликдан маҳрум этилди. Бу фожеа қишлоқда катта шов-шувга, мунозарага сабаб бўлди. Тоғбой ота эса ўғлининг гамида чўкиб қолди. Бафони жасади топилаган куни гўё етмиш икки томири узилганди.

Шоирлар аёлни гулга менгза-шади. Хўш, Зухра аёл номига муносибми? Унинг ваҳшийлиги кишида нафрат уйғотмайдими? У нафақат ўзининг, балки фарзандларининг ҳам ҳаётини барбод қилди. Уларнинг охириятини куйдириди. Ўғиллар жазодан қочиб қайлар-дадир биқиниб юришибди. Аммо тақдир ҳукмидан, виждон азоби-дан қоча олармиканлар?!

Оиланинг пароканда бўлишига, энг аввало, шаробхўрлик, қолаверса, Зухра Абдиевнинг маънан қашшоқлиги сабаб эмасми?!

Сиз нима дейсиз?

Насриддин САДИРОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
катта терговчиси
Шахло БАКОЕВА,
журналист

AFSUS

Кишнинг тунлари узун, кунлари калта. Сахар соат бешга яқин Олтиариқ тумани ИИБ навбатчисининг телефони жиринглади.

— Подъездимиз ёнида бир одам қўзилиб ётибди, тирикми, ўлими, билломадик, — деди аёл овози.

Қаҳратонда, тун ярмидан оққанда бедаво ароқхўр ҳам кўчада юмалаб ётмади. ИИБ ходимлари навбатчи машинада Ҳамза шаҳри, Навоий кўчасидаги 22-тураржой биносига етиб боришди. Машинанинг чироғи подъезд ёнида ётган одамни ёритди. Уст кийимлари йўқ, ярим яланғоч, афти моматалок, йигирма беш ёшлардаги аёл! Унинг ўлганига ишонч ҳосил қилинган, дарҳол қўни-қўшнилардан суриштиришга киришишди. Навбатчиға хабар берган, биринчи қаватда яшовчи аёлни узуқ-юлуқ сўзларига асосан, тўртинчи қаватдаги 14-хонадон бекасини сўроқ қилишди. Ўша кунёқ Қизилтепа қишлоғидан қотилликда гумонланган йигитни тутиб келтиришди. Дастлабки терговда қотиллик тафсилотлари ойдинлашиб борди.

ГИРДОБ

Қотиллик қурбони Эътиборхон Қодирова 25 ёшда, Марғилон шаҳрида туғилиб ўсган. Уч ёшида ота-онаси ажрашиб кетган, бир неча йил аввал онаси иккинчи бор турмушга чиққан, ўғай ота уйда яшаб юрган эди. Икки йил бурун турмушга чиққан, бироқ фарзанд қўришга улгурмай эри билан ажрашган эди. Ҳамза шаҳридаги Фотимахон исмли аёлни уйига тез-тез келиб турарди. У орқали ўзи каби бева Кумуш Қаюмова билан танишганди. Дугонасининг уйда ишратпараст йигитлар тўпланиб, кўнги-хушлик қилиб туришарди.

Рўпарадаги хонадонни Ғулумжон деган йигит сотиб олиб, таъмирлаётганди. Укаси Комилхон усталарга қарашли турганди. У 22 ёшда, икки бор судланишга улгурган, охири марта 5 йил 3 ойга озодликдан маҳрум этилган, жазонинг ўталмаган 2 йил 7 ойи ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилганди. «Давронбек» фермер ҳўжалигида ишларди. Эридан ажрашган, бева аёл билан ахлоқ тузатиш жазосини ўтаётган сўққабаш йигитнинг турмуш сўқмоқлари ифатини йўқотган, тубаниликка юз тутган жувоннинг уйда кесигани тасодиф эмасди.

2004 йил 8 декабрида Эътиборхон Ҳамза шаҳрига, Фотима онанинг ўғлининг туғилган кунига ташриф буюрди. Ароқ ичиб, бир оз кайфи ошган, ўтиришга Кумушхонни бошлаб келмоқчи бўлди. Бироқ дугонасининг меҳмони бор, уйда бошлана тоғган Шоирахонга хуштор йигит ўтирганди.

— Шу ерда ўзимиз яйраб ўтирамыз, — деди Кумушхон унинг тақлифига кўнмай. — Фарҳодхон «эриди», бозор қилиб келдим.

Эшик очилиб, янги қўшининг укаси — Комил важаҳот билан кирди. Ҳали зинада Эътиборхон билан рўпара келган, гап отганди сўкиш эшитганди.

— Хей, мени ҳали ҳеч ким онамдан сўкмаган! — деди титраб.

— Оёғидagini ечиб қиради уйга одам! — деди Эътиборхон.

— Келинг, ўтиринг, юзта-юзта отайлик, — деди Фарҳод ўртага тушиб.

— Йўқ, — деб Комил чиқиб кетди. Ортдан Эътиборхон ҳам Фотима онанига равона бўлди. Кечаси ярим шиша ароқ кўтариб қайтди. Ўтириш қизиганда яна Комил кириб келди. У шаштидан тушган, ичиб олганди. Фарҳод пиёлага ароқ қўйиб узатганди қайтармади. Ҳазиллашиб, чаккаклашиб ўтиришди. Шоира диванда ухлаб қолди. Эътибор маст бўлиб, Комилни куракда турмайдиган сўзлар билан сўқди. У шартта турди-ю, аёлни тепиб ерга қулатди. Устига чиқиб аямай мушлади. Тўполондан Шоира уйғонди. Фарҳод аранг ажратиб қўйди. Кумуш билан Шоира қонга беланган Эътиборни ваннага олиб кириб, юзларини ювиб, тўшакка ётқизди. Комил кетаётки унинг бўйин аралаш юзига тепди. Унинг ортидан Фарҳод билан Кумуш кўчага чиқиди. Одина онанинг уйига боришди. Ундан Комил Отабекни сўради. У уйига кетганини айтганида, қақриб келишни буюрди.

Аёл кўнмагач, шалапоқ тортиб юборди. Учаласи изларига қайтишди. Шоира деразадан уларни чакирди.

— Ўлиб қолибди, — деди уйга киришганида.

Эътиборни хушига келтиришга уринишадиганларида эшик тақиллади. Одина опа безорини жиловлан қўйиш учун ҳудуд нозирини бошлаб келганди. «Овозингни чикарма» дея Комил чироқни ўчирди.

— Эшикни бузиб киришга ҳаққим йўқ, — деди нозир очилмагач. Зинадан оёқ товушлари тиниши билан Комил чиқиб кетди. Фарҳод унга эргашди.

— Бундан қутилиш керак, — деди Кумуш. Шоира билан мурдани кўтариб, зинадан пастга олиб тушди. Қўшининг эшиги очилиб ёпилаганда подъезд эшиги ёнига ташлаб, қоронғиликка яширинишди. Улиқни у ерда қолдириб бўлмасди. Фарҳод қайтган, учови жасадин панароқ жойга ташлаб юборишди. Улар жасадаг яқинлашганларида, биринчи қаватдаги дераза очилиб, қўшни аёл «ким у?» деб сўради.

— Мастга ўхшайди, — дея гап тоғди Фарҳод. «Хей, тур ўринганди» деб жонсиз танани турткилаган бўлди. Кейин, «мен ҳеч нарсани билмайман, бу ерда бўлганим йўқ» деб жуфтакни ростлади. Кумуш билан Шоира уйга кириб, қон доғларини ювиб тазалашди. Эътиборнинг кийимларини ахлатга олиб бориб ташлашди. Жиноят изларини яширишга уринишди...

Тергов давом этаётган кўнларнинг бирида милиция ходимлари Кумушнинг уйда икки жуфтликни қўлга олди. Шоира жуфти билан охонада, қайта эса меҳмонхонада ишрат қилиб ётишганди.


Суд қотил Комил Қодировага зўж муддатлик озодликдан маҳрум этди. Жиноят ҳақида хабар беришни истамган, изларни яширишга уринган Ф.Худойкулов, К.Қаюмова ва Ш.Солиевалар ҳам тегишли жазога тортилишди.

И. МИРЗААЛИЕВ,
Фарғона вилоят прокуратураси катта терговчиси



Ким канцлер бўлади?

Германияда бўлиб ўтган парламент сайловлари ўз якунига етди. Расий хабарларга қараганда, сайловларда Ангела Меркел бошчилигидаги христиан-демократик иттифоқи партияси 35,2 фоиз овоз олган. Мамлакат канцлиери Герхард Шрёдер бошчилигидаги социал-демократик партия эса 34,3 фоиз овоз йиққан, холос. Айтиш жоизки, парламент сайловларида кучли рақобат айнан шу икки партия ўртасида кечган. Сайловларда кўп овоз олган партия етакчиси ҳукумат канцлиери лавозимини эгаллайди. Аини дамда Германияда Ангела Меркел партияси етакчи ўринни эгаллаган бўлсада, Шрёдер партияси ўзининг парламентдаги иттифоқдоши «яшиллар» партияси билан бирлаша, парламентда кўпчиликти ташкил этади ва канцлер лавозимини ўзида сақлаб қолиши мумкин. Умуман, Бундестагда бўлиб ўтган сайловлар расман тан олинди, чунки унда Германия аҳолисининг 77,7 фоизи иштирок этди. Бирок, бу Германия тарихида энг паст кўрсаткичдир.



Афғонистонда мамлакат парламентига бўлиб ўтган сайловлар жараёни якунига етди. Аини дамда сайлов натижалари ҳақида бирор

Шунингдек, Карзай жаноблари сайловлар очик, озод ва ҳаққоний ўтказилишига ваъда берди. Сайловларнинг дастлабки натижаси 10 октябрда, умумий натижалар эса 22 октябрда эълон қилинади. Мамлакатдаги вазият сайлов кунини ҳам бир қадар нотинч бўлди. Афғон халқини сайловларда иштирок этмасликка чақирган «Толибон» ҳаракати вакиллари бир нечта террористик ҳаракатларини содир этди. Якшанба кунининг ўзида мамлакат-

Илк демократик сайловлар

нарсаси дейиш қийин. Унда 5 мингта яқин номзод қатнашган бўлса, шунинг 10 фоизини аёллар ташкил этади. Шунингдек, парламент сайловларига «Толибон» ҳаракатининг айрим вакиллари ҳам ўз номзодини қўйишган. Таъкидлаш керакки, Афғонистонда 36 йилда илк бор парламентда демократик сайловлар бўлиб ўтмоқда. Сайловлар борадида ўз фикрини билдирар экан, мамлакат президенти Хамид Карзай шундай деди: — Афғон халқининг ўз йўлини танлайдиган вақти етиб келди. Биз 30 йилдан ошқ давом этган урушлардан сўнг ўз тақдиримизни ўзимиз танламоқдамиз.

да 10 та террористик актлар амалга оширилди. Уларда 12 киши ҳалок бўлди. БМТнинг Қобулдаги қароргоҳи икки ракетадан ўққа тутилди. Натижада ташкилотнинг бир нечта ходими тан жароҳати олди. Хост вилоятида Афғонистон хавфсизлик кучларининг пости автоматик қуроллардан ўққа тутилган, икки нафар афғон полициячиси қурбон бўлган, мамлакатдаги тинчликпарвар кучларга қарашли икки нафар АҚШ аскари яраланган. Афғонистон жанубида террорчилар томонидан содир этилган кучли портлаш оқибатида эса бир нафар француз ҳарбийси ҳалок бўлган.



Террорчиларга қарши

Исроил бош вазири Ариэл Шарон Фаластинда ўтказилажак парламент сайловлари борадида ўз фикрини билдирар экан, агар сайловларда «Хамас» террористик ташкилоти вакиллари қатнашадиган бўлса, сайловлар ўтказилишига бор имконияти доирасида тўсқинлик қилишини айтиб ўтди. Шароннинг таъкидлашича, «террорчилар ҳеч қачон ҳукумат доирасидаги масалаларга аралашини мумкин эмас. Шунингдек, халқаро нормаларга риоя қилган ҳолда ҳар бир давлат ўтказилажак парламент сайловларини демократик тамойилларга таянган ҳолда амалга ошириши лозим. Террорчилар иштирок этган сайловларни қандай қилиб демократик сайловлар дейиш мумкин».

Аини масала юзасидан 2 октябрда Ариэл Шарон Фаластин мухторияти раҳбари Махмуд Аббос билан учрашмоқчи. БМТнинг 60 сессиясида сўзга чиққан Шарон, Фаластин раҳбариятининг терроризмга қарши кураш концепциясига риоя қилишига чақирди. Ўз навбатида фаластинликлар вакили Сабб Эракат бу муаммо бўйича тез орада музокаралар олиб борилишига ваъда берди.

Табиат



Табиат қонуниятлари инсоният учун кўп ҳолларда сирлигина ҳолмоқда. Унда содир бўлаётган ўзгаришлар, ҳодисалар кўплаб олимлар учун давомли илмий изланишларга манба бўлиб хизмат қилмоқда. Оқдйи кўринган моноклдорроқ ҳам ўзида қанчадан-қанча сир-асрорларни сақлаб келаяпти. Албатта, олимлар уларнинг пайдо бўлиши сабабини ўрганган бўлсалар-да, рўй берган табиий жараёндан қолган асоратлар табиатнинг яна қандай қуроллига айланиши мумкинлигини ҳалигача таҳлил этганлари йўқ.

Тўфон... Бу сўз замирида бир томондан дахшат, кўрқув, вайронгарчилик турса, иккинчи томондан куч, тезлик, табиатнинг энгилмас қудратига эга эканлиги акс этади. Тарихга назар ташласак, қадимда маълум ва машҳур бўлган қатор шаҳарлар, айнан тўфонлар «қаҳри»га учраб яксон бўлган.

Ҳозирга келиб ҳам тўфонлар тўфайли вайронага айланган қатор минтақаларни кузатиш мумкин. Ўтган ойда АҚШнинг Луизиана, Миссисипи ва Алабама штатлари ҳудудидан ўтган, «Катрина» тўфони ҳам ўзидан кейин вайронага айланган ҳаробаларни қолдирди. Аиниқса, ушбу тўфон энг кўп зарар кўрган Янги Орлеан шаҳри аҳолиси учун катта фожеа бўлди. Шаҳарнинг ғарбида жойлашган тўфон

қаҳри

кучли тўфонга бардош беролмаган. Оқибатда шаҳарнинг 80 фоизи сув остида қолди. Шаҳар аҳолисининг аксарияти 40 га яқин самолётлар ёрдамида Техас ҳамда Аризона штатларига олиб ўтилди. Юзага келган вазиятда 10 минглаб янги орлеанликлар шаҳардаги энг катта иншоотлардан бири бўлган «Суперуи» стадионида бошлана топдилар.

Шаҳарда криминоген вазият кескинлашиб, жиноятчилик ошди. Қотиллик, зўрлаш, талончилик ва бошқа жиноятлар шулар жумласидандир. Барча соҳа тармоқлари издан чиқди. Шаҳар полициясининг деярли ярми ўз бурчларини адо этмасдан қочиб кетди. Янги Орлеандаги халқаро аэропортда 200 га яқин кишининг жасади топилди. Лекин, уларнинг ҳаммаси ҳам «Катрина» қурбони бўлмаган, айримлари ўқ отар қуроллардан ёки ўткир кесувчи жисмлардан ҳалок бўлишган.


Аини кунларда Янги Орлеанда тартиб ўрнатилди. Мутахассисларнинг фикрича, тўфон келтирган зарар аввалроқ белгиланган 25 миллиард доллардан 200 миллиард долларга етиши кутиляпти. Қурбонлар сони ҳам кун сайин ошмоқда. Ҳали ҳамон вайрона-

лар остида жасадлар топилмоқда. Айтиш жоизки, мазкур тўфон асоратлари жаҳон иқтисодий барқарорлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Мексика кўрфазидида нефт қазий ишлари билан машғул бўлган 21 та платформада хавфсизлик нуқтаи назаридан иш тўхтатилган.

Тўфонга учраган учта штат ҳудудидан ўтадиган нефт қурувлари орқали нефтни узатиш, шунингдек, нефтни қайта ишловчи заводлар фаолияти ҳам тўхтатилган. Таҳлилчиларнинг фикрига кўра, бу кетишда Мексика кўрфазидида нефт инфратизими батамом издан чиқиши мумкин. Бу эса АҚШ бюджетига ҳар йили келадиган миллиардлаб доллар даромад йўққа чиқади, дегани. АҚШда қазиб олинadиган нефт ва газнинг 25 фоизи айнан шу учта штатдан олинади. Ўз навбатида бу ҳолат жаҳон фазоридида нефтнинг нархи ошишига олиб келди. Бугунга келиб, жаҳон биржаларида бир баррел нефтнинг нархи 70 доллардан ошди. Охири марта бундай ҳолат ўтган асрнинг 70-йилларида Эронда кузатилган эди.

Аини дамда АҚШ ҳукумати тўфондан талофат кўрган минтақага ёрдам бериш режасини амалга оширмоқда. Таъкидлаш керакки, Буш ҳукуматининг бу талофатга тайёр эмаслиги сезилиб қолди. У мамлакат аҳолисига қилган мурожаатида қўтқарув хизматларининг ишини қоникорсиз баҳолади. Мамлакат парламенти тўфон оқибатларини бартараф этишга ҳозирча 50 миллиард доллардан ортиқроқ маблағ ажратиб тўғрисида қарор чиқарган. Шунингдек, халқаро ҳамжамият қўлидан келган ёрдамни кўрсатмоқда. Деярли ҳар кун турли давлатлар ҳукумати ўз қўтқарувчилари, кийим-кечак, дори-дармон ортлган самолётларни шимоллий Америка қитъаси узра учирмоқда.

РАКЕТАЛАР КИМДА ҚОЛАДИ?



Литва давлати ҳудудига қулаб тушган, Россия ҳарбий ҳаво кучларига қарашли СУ-27 қирувчи самолёти атрофидаги келишмовчиликлар ҳалигача якунига етгани йўқ. Эслатиб ўтаимиз, Валерий Троянов бошқарган самолёт 15 сентябр кўни Болтиқ денгизи устидан учиб ўтаётганда йўналишини анжиклаш мосламалари ишдан чиқиб, Литва ҳудудига қулаб тушди. Самолёт ҳалокатидан олдин катапультла мосламаси ёрдамида омон қолган учувчи аини дамда Литва Бош прокуратурасида кўрсатув бермоқда. Россия ҳарбий ҳаво кучлари вакили Сергей Байне-товнинг гапига қараганда, мазкур самолёт бортда «хаво-хаво» русумидаги 4 та ракета бўлган, лекин қулаш вақтида улар портлаб кетмаган ва аҳолига ҳеч қандай зарар етмаган. Бирок, ҳалокат сабабларини ўрганувчи Литва ҳукумати комиссияси раҳбари Виталиюс Вайшнорас бу хабарни тасдиқламади, инкор ҳам этмади. Таъкидлаш керакки, бу русумдаги ракета-лар узоқ масофадан туриб неча километр радиусидаги объектларни йўқ қилиш қудратига эгадир.

Сирли портлашлар

Шанба кўни Ливан пойтахти Байрутда кучли портлаш рўй берди. Маълумотларга қараганда, пойтахтнинг шарқий қисмида жойлашган Ашрафия тумани ҳудудида бирданига бомба жойлаштирилган бир нечта автомобиллар портлатилган. Таъкидлаш керакки, ушбу ҳудудда кўпроқ христиан динига мансуб фуқаролар яшашади. Портлаш натижасида юзага келган кучли ёнғин оқибатлари ўт учирувчилар ҳамда хавфсизлик кучлари вакиллари томонидан бартараф этилди.

Саҳифани Интернет хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРДОВ тайёрлади.

Ўтганларнинг охираати обод бўлсин!

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Бектемир туман прокуратурининг ўринбосари О.Пахриддиновга падаири бузруквори ТўЛҚИН ОТАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси жамоаси С.Рахимов туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ходими А.Холовга падаири бузруквори НАВРАТЛА ОТАНИНГ вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



МАВЗУГА ДОИР ЧЕКИНИШ

Эсимда, лицейда ўқиб юрган кезларим қайсидир семестр якунида тарих фанидан имтиҳон топшириб, «3» баҳо олганман. Йўқ, ёмон баҳо олиб, сўнг ўқитувчини айблайдиган ўқувчилар хилидан эмасдим. Шу боис хатомни ўз вақтида тан олганман ва тузатишга интиланман. Хатом — имтиҳон бўлишини бир ой — 30 кун олдин билганим ҳолда, имтиҳонга 3 кун қолганда тайёрланганим эди...

Қайсидир жиҳатдан сеvimли жамоам тақдирини ўзимнинг тақдиримга қийслайман... Мен-ку «3» олсам ҳам имтиҳондан ўтганман. Терма жамоамиз-чи? У олдида турган синовлардан ўта олармикан? Утолса қанийди, «5» баҳо қўярдики...

Хуллас, Осиёнинг бешинчи жамоаси бўлиш масаласи 8 октябрда Тошкентда ва 12 октябрда Манамада «кун тартибига қўйилди». Бу — битта синов. Иккинчи синов тўғрисида кейинроқ билиб оласиз.

Ўзбекистон ва Бахрайн ўртасидаги ўйинларни европалик ҳакамлар бошқарадиган бўлишди. Ўзбекистон футбол федерациясининг расмий сайтидан олинган маълумотга кўра, Тошкентдаги ўйинда шведиялик, Манамадаги баҳсда эса англиялик ҳакамлар бригадаси майдонга тушади.

ЕВРОПА. ШИДДАТЛИ БАҲСЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

Барча турнир ва мусобақаларни юксак савияда, мукаммал ва чиройли тартибда ўтказадиган УЕФА бу борада ФИФАга ҳам «дарс бериши» мумкин десак янглишмаймиз.

Жумладан, ЖЧ саралаш ўйинлари ҳам Европада, лоф бўлмасин-у, ЖЧде ўтади дейиш мумкин (бу ерда гап ўйинларнинг аҳамияти-ю шиддати эмас, таъкилий жиҳатлари ҳақида кетаяпти).

Энди бевосита гуруҳлардаги вазиятга қисқа-қисқа тўхталиб ўтамиз.

1-гуруҳ. 7 жамоа курашаётган ушбу гуруҳда иккита гигант терма жамоа мундиалга чиқиш учун яхши имкониятга эга бўлиб турибди. Голландияда 28, Чехияда 24 очко бор.

«Huquq» ўқувчиларини шу пайтгача дунёдаги қайси терма жамоалар келгуси йили Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиб бўлгани қизиқтириши табиий. Шунинг учун ЖЧ-2006 саралаш баҳслари охириларига келиб чиндан-да «баҳсли» тус олаётган бизнинг қўғамиздан хикоямизни бошлаймиз.

Очигини тан олиш керак, Ўзбекистон терма жамоаси саралаш ўйинларини ижобий маънода эртароқ якунлаши мумкин эди. Чемпионатнинг финал босқичига чиқишга ўша Саудия-ю Корея, Эрон-у Япония билан бир қаторда бизнинг термамиз ҳам муносиб эди; истагимиз кучли эди, имкониятимиз яхши эди; аммо биз учун истак ва имконият уйғунлигининг ўзигина етарли бўлиб чиқмади.

Дунё футбол озушида

Иккови ҳам 10 тадан ўйин ўтказишган. 11-турда бу жамоалар Прагада дуч келишади ва айтиш мумкин, қайсидир маънода гуруҳнинг «финал» ўйини бўлиб ўтади. Шу-

бати ҳам ажойиб — 30:4. 19 тадан очколи Словакия ва Россия термалари 2-ўрин учун курашишади. Иккаласим бу турда ўз майдонидан тўп суради. Ўрислар Люксембургга, словаклар Эстонияга қарши.

4-гуруҳ. Энг мураккаб гуруҳ. Курашаётган 6 та жамоадан 4 таси яхши имкониятга эга. Келаётган турда 16 тадан очко билан қўшпешақдам бўлиб турган Швейцария ва Франция термалари Швейцарияда дуч келишади. 15 очколи Исроил Фарерин қабул қилса, 13 очкога эга Ирландия Кипрининг меҳмони бўлади.

5-гуруҳ. 6 жамоа. 9-турда Италия Словенияни ўз уйида енгса кифоя. Унда 17 очко бор.

2-ўринда турган Норвегия эса «аутсайдер» Молдовани ўзи уйида голлар билан «меҳмон» қилиши қутлалапти. Ҳозирча унда 12 очко мавжуд.

6-гуруҳ. Бундаям 6 жамоа. 9 ўйиндан 24 очко ййққан Польша пешқадам. Ундан бир ўйин кам ўтказган Англияда 19 очко бор. Қолганлар «ўйиндан ташқари ҳолат»да.

2-гуруҳ. Украина Германияга йўллангани нақд қилиб қўйган ва сўнгги ўйинини Киевда Албания билан ўтказди. Албания учун ҳам бу ўйин унчалик аҳамиятга эга эмаслигини ҳисоблаганда, матч «ўртоклик» мақомида бўлиб ўтса ажаб эмас.

Эътиборли ўйин эса Данияда бўлиб ўтади. 16 очколи Дания 18 очколи Грецияни қабул қилади. Агар Греция бу ўйинда ютса, 20 очколи Туркиядан ўзиб кетиши мумкин. Чунки Туркия ўша турда «дам» олади.

3-гуруҳ. Португалия 11-турда Лихтенштейн билан дуранг қилса ҳам ЖЧга йўлланма олади (бунга ҳеч қим шубҳаланмаяпти). Унинг ҳисобида 24 очко бор. Голлар нис-

да». Англия Австрияни қабул қилди.

7-гуруҳ. Мусобақа якунланишига 2 тур қолганда Сербияда 16, Испанияда 14 очко мавжуд. Испания Белгияда, Сербия Литвада меҳмон бўлади.

8-гуруҳ. Бу гуруҳда ҳам асосий

кураш икки терма жамоа ўртасида кетаяпти. Швеция (21 очко) ва Хорватия (20 очко) жамоалари Загребда «финал» ўйинини ўтказишади.

Эслатма: гуруҳ болиблари ва энг яхши иккита 2-ўрин соҳиблари Германияга бориш имкониятини қўлга киритишади. Қолган иккинчи терма жамоалар плейофф орқали кураш олиб боришади. Навбатдаги турлар 8 ва 12 октябрга мўлжалланган. Плейофф баҳслари эса ноябрда бўлиб ўтади.

КОНМЕБОЛ (Жанубий Америка)

Бу минтақада саралаш баҳслари бир турдан сўнг ниҳоятга етади. Ҳозирча Аргентина, Бразилия ва Парагвай терма жамоалари мундиалга йўл бўлилар. 4-йўлланма учун эса Эквадор ва Уругвай жамоалари курашишмоқда. 5-ўринни олган жамоанинг Австралия билан плейофф йўлида баҳс олиб боришини эса яхши билсангиз керак.

КОНКАКАФ (Шимолий Америка)

Баҳслар тугашига 2 тур қолганда Мексика, АҚШ ва мабодо тасодиф юз бермаса, Костарика ҳам йўлланмани нақд қилиб қўйган. Биз учун қизиғи эса ушбу минтақада қайси терма жамоа 4-ўринни эгаллашди. Ана шу жамоа Ўзбекистоннинг плейоффдаги наватбадаги рақиб бўлиши мумкин. Бу эҳтимол Гватемала ёки Тринидад-Тобаго бўлар, ишқилиб (агар Бахрайни енга олсак) улар билан бўлажак ўйинлар биз учун ҳал қилувчи жиддий синов вазифасини ўташи шубҳасиз.

АФРИКА

Мазкур қитъада ҳам саралаш баҳслари тугашига биргина тур қолди. Гуруҳлардаги вазиятга қисқа тўхталиб ўтамиз.

1-гуруҳ. Того 20 очко билан пешқадамлик қияпти. 2-поғонадаги



Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Боб Хоугтон

Сенегал ҳисобида 18 очко бор. Демак, кураш охиригача кечади.

2-гуруҳ. Гана йўлланмага деярли эга бўлиб турибди. Кейинги ўринда бораётган Конго ДРда 15 очко борлигини ҳисобга олсак, Ганани сўнгги турда дуранг ҳам қониктиради.

3-гуруҳ. Бу гуруҳда биргина йўлланма учун икки тенг кучли жамоа баҳс олиб борапти. Булар Камерун (20 очко) ва Кот-д'Ивуар (19 очко) жамоаларидир. Голиб сўнгги турда маълум бўлади.



Англиялик Грем Пол ўйинни адолатли бошқаргани деб умид қиламиз.

4-гуруҳ. Бир пайтлар дунёнинг энг кучли термаларидан бири деб эътироф этилган Нигерия эҳтиёткорроқ бўлмаса, сўнгги турда у билан бир хил очкога эга бўлиб турган (18 очко) Анголани ўтказиб юбориши мумкин. Лекин, бизнингча, Нигерия йўлланмани бировга тўтқазиб қўймас керак. Тагин вақт кўрсатади.

5-гуруҳ. 3-гуруҳдагидек бу ерда ҳам пешқадам Тунис 20, 2-поғонадаги Марокаш 19 очкога эга бўлиб турибди. Охириги тур барча масалани ҳал қилиши аниқ. Барча гуруҳларда 1-ўринни эгаллаган жамоалар ЖЧ йўлланмасини қўлга киритишади.

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ НИГОҲИДА

Бошқа қитъаларда ҳар қанча кучли жамоалар бир-бири билан тўқнаш келишмасин, барибир бутун дунёнинг нигоҳи Ўзбекистон-Бахрайн ўйинига, тўғрироғи, баҳсига қаратилади десак, асло муболага бўлмайди. Биласизми, Ўзбекистон ўша кун (мухлислар билан биргаликда) нафақат Бахрайнга, балки ФИФАнинг антижа қарорларига қарши ҳам адолатли ва ҳалол тўп суради. Унинг миллион-миллион мухлислари бор экан, албатта галаба қозонади! Келинг, сеvimли жамоамизга далда бўлайлик. Йигитларни чиройли оқлишайлик. Бир журналист акамиз айтганидек, ФИФА ҳам бизнинг оқлишларимизни қўриб, ўзи чиқарган қарордан уялиб қолсин.

Элмурод НИШОНОВ

HUQUQ
yuridik gazeta

To'g'rischi:
O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:

Abduxolliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahridin VALIYEV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), **Fozil MAMASHARIPOV**
(mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), **Lola SHOMURODOVA**

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalari qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»-dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma — 860. 12584 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: D.ESHMURODOV
Musahhili: A. MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK boshmaxonasiida ofset usulida chop etiladi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Boshmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 7 8

Gazeta haftaniga chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda